




***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ***

**9-Мавзу:Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари тизими,
уларнинг ваколатлари ҳамда
фаолият принциплари**

РЕЖА:

1. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида.
2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг тамойиллари
3. Фуқаролар йиғини, унинг ваколатлари.
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши ва ижтимоий назорат
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки.
6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари, уларнинг ваколатлари.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари

қонунийлик,

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний
манфаатларининг устуворлиги,

демократизм,

ошкоралик,


ижтимоий адолат,

маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда
мустақиллик,

жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам,

ижтимоий шериклик,

маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга
олишдан иборатдир.



Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, уларнинг ташкил бўлиш жойи, уларнинг доимий органи ким ва у қандай сайланиши алоҳида моддада мустаҳкамлаб қўйилган. Бу норма Конституциянинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” бобида берилсада, ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат органлари тизимига кирмаслигини кўрсатади. Конституциянинг 105-моддаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий асоси ҳисобланади. Шу нормада “ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади” деган қоида ўрнатилиши эса, Конституция ушбу соҳадаги барча қонун ҳужжатлари учун ҳам ҳуқуқий асос эканлигини кўрсатади.



Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар йиғини томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижроия ҳокимияти раҳбарларининг соҳага оид масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш, фуқаролар йиғинларининг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш эса жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси фаолиятида ўз ифодасини топди. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилади.

Қонуннинг 8-моддасида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овулардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир, деб белгиланди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига крмайди ва қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади.


Мазкур янги таҳрирдаги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган ва уни амалга ошириш тартиби аниқлаштирилди. Яъни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.


- 2013 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, Қарор асосида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тўғрисида Низом тасдиқланди. Мазкур низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиш тартибини белгилаб берди ва ушбу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳисобга олиш фуқаролар йиғини жойлашган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.


- “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг органларини тузиш ҳамда фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди ва қатор аниқликлар киритилди. Жумладан, кичик корхоналар, халқ хунармандчилиги цехлари, сартарошхоналар, пойафзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш фуқаролар йиғини кенгаши ихтиёрига берилди. Бу фаолият 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ўзини янада яққол кўрсатди. Яъни, Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудидаги фойдаланилмаётган ва қаровсиз ҳолда қолган бино, иншоотларни кичик бизнес субъектларига фойдаланишга топширди. Бунинг натижасида ўз фаолиятини бошлаётган ёки янада ривожлантириш арафасида бўлган тадбиркорлик субъектлари ўз бино ва иншоотларига эга бўлдилар.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда:

- ❖ фуқаролар йиғинининг номи;
- ❖ фуқаролар йиғинининг ҳудуди;
- ❖ фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;
- ❖ фуқаролар йиғинини чақириш тартиби;
- ❖ фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;
- ❖ фуқаролар йиғини комиссияларини тузиш тартиби;
- ❖ раис (оқсоқолининг) ва раис маслаҳатчиларининг ваколатлари;
- ❖ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.
- ❖ Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар



- 
- 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган 10 та намунавий низом ҳамда Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси тўғрисидаги низом, Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги низом, фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом каби учта низом тасдиқланди. Айниқса, фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низомнинг тасдиқланиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тизимли равишда тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.



Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади. Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

- Фуқаролар йиғини органлари қуйидагилардир:
фуқаролар йиғини кенгаши;
- фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;
- тафтиш комиссияси.

Фуқаролар йиғини

Фуқаролар йиғини ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади.
Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

фуқаролар йиғинининг номи;

фуқаролар йиғинининг ҳудуди;

фуқаролар йиғини ва унинг органлари ваколатлари;
фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақириш тартиби;

фуқаролар йиғини кенгашини тузиш тартиби;
фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш тартиби;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби;

фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколатлари;

фуқаролар йиғини масъул котибининг, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ваколатлари;

фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси;
фуқаролар йиғинини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги низомда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.
Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари киради.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:
фуқаролар йиғинини (фуқаролар вакилларининг йиғилишини) чақиради;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказди;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;

оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ўтказишда, тегишли ҳудуднинг, сув таъминоти манбаларининг, турар жойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ҳайвонлар сақлашни ветеринария-санитария қоидаларига, савдо қоидалари ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органларига кўмаклашади;

Фуқаролар йиғини

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқали:

ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларга патронаж ёрдами шу мақсадда ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар бандлигини таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар, спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади;

деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади;
тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади; фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали амалга оширган ҳолда тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходимларини рағбатлантириш учун, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади;




фуқароларни фуқаро муҳофазасига доир
тадбирларни ўтказишга жалб этишга,
ҳарбий хизматга мажбурлар ва
чақирилувчиларни хабардор қишлоқлар ва
овуллар фуқаролар йиғинларида уларнинг
шахсий-бирламчи ҳисоби юритилишини
таъминлайди, муҳофаа ишлари бўлими
билан келишган ҳолда ҳарбий ҳисобни
юритиш бўйича ходимни тасдиқлайди;




«Маҳалла посбони» жамоатчилик
тузилмасининг раҳбарини тайинлайди
ва тузилмага аъзолар қабул қилади;




фуқаролар йиғинининг диний маърифат
ва маънавий-ахлоқий тарбия
масалалари бўйича маслаҳатчисини
тайинлайди;



бандликка кўмаклашиш ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари
билан биргаликда ижтимоий ёрдамга
муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар,
ёлғиз кекса фуқароларни, пенсионерлар ва
ногиронларни аниқлайди;



озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод
этилган шахсларни ижтимоий-меҳнат
реабилитацияси ва жиноятчиликнинг
олдини олишга доир тадбирларни
ижтимоий мослашув марказлари билан
биргаликда амалга оширади.



Фуқаролар йиғинининг кенгаши қонун
ҳужжатларига мувофиқ бошқа
ваколатларни ҳам амалга ошириши
мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

тегишли давлат органларидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектлари ҳақида маълумотлар сўрайди ва олади. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) гувоҳномаси намунаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши



Жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:




тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;



тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;



давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.



Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шарт.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси

Фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссиялар тузилади:

яраштириш комиссияси;

маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия;
ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;

хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;

вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;

тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;

экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;

жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Тафтиш комиссияси фуқаролар йиғинининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдор бўлади.

Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини бошқа органининг аъзоси бўла олмайди.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси ўз фаолиятини фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида амалга оширади.

Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги намунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.


**Фуқароларнинг
ўзини ўзи
бошқариш
органлари ва
уларнинг
мансабдор
шахслари
қарорларининг
мажбурийлиги**

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёхуд суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда эса — мувофиқлаштириш бўйича тегишли кенгашлар томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тегишли кенгашларни шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомларда белгиланади.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!**